

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАРИ

Холмурод Назаров (Kh.Nazarov)

ТИҚҲММИ" Миллий тадқиқод университети Экология ва сув ресурсларини бошқариш кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

Аннотация: Ушбу мақолада экологик таълимни ривожлантириш соҳасидаги муаммолар таҳлил қилинган ва эко- логик таълим концепциясини амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари кўрсатилган, концепцияни Олий таълим муассасаларида ижросини таъминлаш борасидаги ютуқлар, муаммолар, уларнинг ечимлари буйича масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Экологик таълим,концепция, долзарб муаммолар, экология,атроф-муҳит, муҳофаза, экологик ҳавфсизлик,экологик онг,экологик маданият, бакалавр, магистр.

Аннотация: В этой статье анализированы проблемы концепции развития экологического образования, раскрыты важные аспекты, актуальных проблемы и приведены сведения об достижениях и проблемы, их решения в процессе осуществления данной концепции в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: Экологическое образование, концепция, актуальные проблемы, экология, окружающая среда, ох- рана природы, экологическая безопасность, экологическое сознание, экологическая культура , бакалавр, магистр.

Кириш. Ўзбекистонда Экологик муаммоларнинг тобора глобал аҳамият касб этиб бораётганлиги инобатга олиб, сўнгги йил- ларда муҳим устувор вазифалар билан бир қаторда атроф муҳит муҳофазаси, экологик маданият, экологик таълим-тар- бия, экологик маърифат масалаларига долзарб вазифалар сифатида алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда экологик таълим- ни ўрни ва аҳамияти ғоят муҳимдир.Экологик таълимнинг долзарблиги мамлакатимиз табиати, экотизимлари, атроф муҳитни бекарорлик ва издан чиқишдан асраш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ушбу ўта жиддий, ҳаётий масалаларга аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар ҳисса қўшиши зарурлиги билан белгиланади.

Бироқ, экологик таълимни амалга ошириш жараёнининг тизимили таҳлили экологик таълимни ташкил этишда бу бора- даги ислоҳотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи жиддий муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Бундай муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида Экологик таълимни ривожлантириш Концеп- цияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.(1)

Мазкур концепцияда Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд экологик таълим соҳасидаги долзарб муаммолар: барча турдаги таълим муассасаларида

Ўзбекистон Рес- публикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуни 4-моддасида назарда тутилган экология таълимнинг мажбурийлиги талаби етарли даражада тизимли равишда бажарилмаётганлиги, амалдаги давлат таълим стандартла-ри ва ўқув дастурлари мазмунан экологик билим, қўникма, малака ва компетенциялар билан зарур даражада бойтиб борилмаётганлиги, экологик таълим йўналишида илғор хорижий ва миллий тажрибани илмий асосда комплекс ўрганилмаётганлиги, аҳоли, айниқса ёшларнинг экологик маданиятни шакллантиришда жаҳон тажрибаларидан етарли фойдаланимаётганлиги, муҳими экологик маданиянинг аниқ параметрлари ишлаб чиқилмаганлиги, таълим тизимининг барча босқичларида амалда бўлган таълим дастурлари бугунги кундаги глобал экологик муаммоларни бартараф этиш, мавжуд экологик хавф-хатар даражасини камайтириш, табиий муҳитни қайта тиклашга қаратилган умуммиллий тадбирлар моҳияти билан мувофиқлаштирилмаганлиги, мактабгача таълим муассаларидан то Олий таълим муас- сасаларигача экологик таълим фанлари дастурларининг мавзулари бугунги кун талабларига тўла жавоб бермаслиги, жумладан, уларда таълим оловчиларда экологик онгни шакл-лантирувчи экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, она табиатни асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айниқса экологик ҳавфсизлик соҳасига оид мавзулар етарли эмаслиги алоҳида таъкидланган эди. Xozirgi kunda o'zbekistonda olib borilayotgan tadqiqotlarni zamonaviy texnologiyalar asosida barpo etilishi yuksalishning bir qismidir [13-16]. Qishloq va suv xo'jaligi soxasida olib borilayotgan ilmiy dadqiqot ishlari xam shu masalalar yordamida osonlashadi. Yashil makon dasturi doirasida olib borilishi mumkin bo'lgan ishlar doirasiga taraqqiyot texnologiyalari istiqbollari xam kirishi ko'rsatib o'tilgan. Suv xo'jaligi soxasida ilimiyy ishlarini olib borayotgan professor-o'qituvchilar tajribasi buni misolidir [17-19].

Айниқса, таълим муассасаларида экологик тарғибот ти- зими ҳам қониқарсиз аҳволда эканлиги, бу борада экологик тарғиботни амалга ошириш механизмлари такомиллаштирил- маётганлиги, ушбу механизмларни рағбатлантириш тадбир-лари етарли даражада амалга оширилмаётганлиги, экологик таълимга оид электрон-методик воситаларни яратиш ва инновациялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ма-салалари талаб даражасидан эътибор қаратилмаётганлиги, таълим ҳамда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ўртасида экологик таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги амалий ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, хусусан, ўтган йиллар давомида экологик таълим тизимини ислоҳ қилиш юзасидан сезиларли жиддий ўзгаришлар қилиш бораси етарли эмаслиги, экологик таълим соҳасида профессор- ўқитувчиларнинг фаолиятини методик жиҳатдан таъминловчи ўқув материаллари, шу жумладан, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид ўқув қўлланмалари, ўқувчи ва талабалар учун зарур дарсликлар

етарли эмаслиги, таълим дастурлари тўлиқ қайта кўриб чиқишга муҳтожлиги, жум- ладан, улар республикада сўнгги вақтларда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлардан келиб чиқиб тубдан такомиллаштирилиши зарурлиги каби муаммолар алоҳида қайд қилинган эди. Шу муносабат билан Концепцияда экологик таълимни такомилаштиришнинг муаммоларини ҳал қилиш ечимла- рини топиш, экологик таълимни давр талаби даражасида ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсад ва вазифаларнинг йўналишлари ҳам белгиланган эди.

Концепциянинг асосий мақсади: ўсиб келаётган ёш авлод- да экологик билим, онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим-тарбия жараёнини самара- ли ташкил этиш, шунингдек, экология соҳасидаги илм-фанни жаҳоннинг илғор инновацион технологияларини жалб этган ҳолда янада такомиллаштириш эканлиги белгиланган эди.

Мазкур мақсадга эришиш, уни амалда рўёбга чиқариш юқорида кўрсатилган муаммоларни ечими сифатида концеп- цияни амалга оширишда сўнги уч йил мобайнида қуйидаги тадбир чоралар амалга оширилди:

биринчидан, «Таълим тўғрисида»ги (2) ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (3) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида экологик таълимни ривожлантиришнинг асосий тамоиллари бел- гиланди, уларни изчиллик билан босқичма-босқич таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш ва шу асосида экологик таълимнинг самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари амалга оширилди;

иккинчидан, экологик таълим-тарбия беришни, экологик билимларни тарғиб қилишни, ноширлик фаолиятини, кўрик- танловлар ўтказишни, ижтимоий рекламаларни ташкил этиш, таълим дастурларини мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ва замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш чоралар қўрилди.

учунчидан, таълим муассасаларида таълим олувчилар нинг асосий эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали, ўзлари яшаётган худудларнинг табиий бойликларини қадрлаш, она табиатнинг қайта тикланмас манбаларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича масъулиятини кучайтиришга қаратилган тадбирлар режалари ишлаб чиқилди ва уларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди;

тўртинчидан, экологик таълимнинг сифатини, кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини, барқарор ривожланиши кафолатларини ва устуворлигини таъминловчи норматив- ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базаларини яратишга ҳам махсус эътибор берилди.

Мазкур тадбир-чораларни доимийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари, таълим соҳасидаги илмий-тадқиқот

ишлари- ни амалга оширувчи илмий-педагогик муассасалар, таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари, шунингдек, улар- га қарашли ташкилотлар орқали амалга ошириш ташкил қилинмоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда узлуксиз таълим тизи- мида экологик таълим 12 мингдан ортиқ мактабгача таълим ва тарбия муассасаларда, 10 мингдан зиёд умумий таълим мактабларида, бир мингга яқин ўрта маҳсус ва професси- онал таълим муассасаларида, 170 дан ортиқ олий таълим муассасаларида, 500 дан ортиқ олий таълимдан кейинги таълим муасасаларида, 700та кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультет ва марказларида, 2 мингдан зиёд мактабдан кейинги таълим муассасаларида амалга оширилмоқда

Экологик таълимни такомиллаштиришда Олий таълим муасасаларининг ўрни ва аҳамияти ғоят муҳим бўлмоқда. Экологик таълим концепциясининг б-бобида кўрсатилганидек, Олий таълим тизимида экологик таълимни такомиллаштириш борасидаги белгиланган вазифа ва фаолият йўналишларига мувофиқ, 5630100 — «Экология ва атроф муҳит муҳофазаси» бакалавриат ва магистратура таълим йўналиши ўқув режала- ри ва фан дастурлари экология соҳасида амалга оширилаёт- ган ислоҳотлар ҳамда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилиб борилмоқда. Экологик таълим буйича бакалавриат йўналишларининг ўқув режа- лари ва фан дастурлари такомиллаштиришда соҳаси буйича иш берувчи идора ва ташкилотларининг муносаб ҳиссалари борсоҳа мутахассислари иштирокида янги мавзуларни, янги маҳсус курсларни ўқув дастур ва режаларга киритиб бориш ташкил этилмоқда.

Республикамизда манфаатдор вазирликлар, идораларнинг талаб ва таклифлари, кадрларга бўлган эҳтиёжлари олий таълим тизимида «Олий таълим йўналишлари ва мутахас- сисликлари классификатори»га концепцияни амалга ошириш даврида 20 дан ортиқ янги йўналишлар ва мутахассисликлар киритилди. Балавр ва магистратура йўналишида “Экологик ҳафсизлик”, Чиқиндиларни бошқариш” ихтисосликлари ана шундай янги киритилган мутахассисликлардир. Фақат ҳозирги ТИҚҲММИ-Миллий тадқиқот университетини “Эко- логик ҳафсизлик” ихтисослик буйича 2020-2021 ўқув йилида 10 та магистр муваффақиятли тугатди ва ишлаб чиқариш соҳасида фаолиятларини бошладилар. Бакалавр йўналиши буйича 2021-2022 ўқув йилида биринчи марта 30 дан ортиқ ёш мутахассислар битиради ва ҳаётга йўлланма оладилар. Университетда Республикаизда биринчи бўлиб, магистрату- ра йўналиши буйича “Чиқиндиларни бошқариш” ихтисослиги очилди ва унда 10 та яқин ёш иқтидорли магистрлар биринчи босқичда ўқимоқдалар. Шу мутахассислик буйича бакалавр йўналишини очиш буйича ишлар олиб борилмоқда.

Олий таълим тизимиning бакалавриат ва магистратура босқичлари экологик йўналишларида экология ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича тегишли ўқув фанлари мазмуни кучайтирилди ва қўшимча долзарб мавзулар билан бойитилди. янги ўқув фанлари киритилди. Талабаларга фан дастурларида белгиланган ҳажмда тегишли билимлар бериш ҳамда уларда зарур малака ва кўникмалар шакллантириш учун шарт шароитлар яхшиланди. Республикализнинг барча, таълим муассасаларда экология ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, биргина бизнинг университетимизда Экология ва атроф муҳитни муҳофазаси фани бўйича янги дарсликлар ўқув қўлланмалар, илмий-услубий қўлланмалар, янги лабораториялар, замонавий жиҳозларга эга бўлган ўқув хоналари ташкил этилди. Концепцияни амалга оширилаётган кейинги уч йилда Экологик йўналишлар бакалавр ва магистрлик ихтисосликлари ўқувга режаларига “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси”, “Чиқиндилар бошқариш”, “Экологик монитори”, “Экологик кадастр”, “Экология ҳуқуқи”, “Чиқиндиларни бошқаришни ҳуқуқий асослари”, “Чиқиндиларни бошқариш иқтисодиёти” “Атроф муҳит биотехнологияси”, “Экологик объектларнинг мустаҳкамлиги ва ишончлилигини баҳолаш”, “Инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлиги”, “Иқлим шунослик”, “Атроф муҳитни муҳофaza қилиш иншоатлари”, “Экологик жараёнларни моделлаштириш”, “Ландшафшунослик”, “Ўрмоншунослик” ўқув фанлари киритилди ва уларнинг ўқув фан ва ишчи дастурлари такомиллаштириб борилмоқда. Шу билан бирга бошқа тегишли ижтимоий фанлар дастурларига ҳам табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экология ва атроф муҳитни муҳофaza қилиш, экологик хавфсизликни таъминлашга оид мавзулар киритилди ҳамда илмифанда эришилган ютуқлар, экология ва атроф муҳит муҳофазасига оид янги техника ва технология жорий этиш, янги тадқиқотлар асосида мунтазам янгиланиб борилмоқда.

Олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларни соҳалар талабларидан келиб чиқиб, экология ва атроф муҳитни илмий асосларини ўрганишга ва тадқиқ қилишга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Университетимизда ирригация иншоатлари, қишлақ ҳўжалиги соҳасини механизациялаш ва автоматлаштириш, сув ресурсларини бошқариш соҳалари эҳтиёжларидан келиб чиқиб ўқув жараёнига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб келинмоқда. Концепцияни амалга ошириш даврида бирги на бизнинг университетимизда ўтган ўқув йилида 8та, бу йил 10 та экология ва атроф муҳитни муҳофaza қилишга бағишиланган магистрлик диссертациялари тайёрланди, замонавий ва долзарб илмий-амалий масалаларга бағишиланган мавзулар бўйича охирги уч йилда 200дан зиёд илмий-амалий анжуманлар, тренинглар ташкил этилди. Экология ва атроф муҳитни муҳофaza қилишнинг долзарб муаммолари бўйича докторлик даражасидаги илмий-тадқиқотлар ўтказилди ва бундай тадқиқодлар яна давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 де-кабрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 42-сон Қарори (4) мамлакатимизда экологик таълимни ри-вожланишида янги даврни бошланишига асос бўлади. Чунки, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университетига айлантирилди. Университет қошида юридик шахс мақомига эга бўлган Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институти, институтнинг Бухоро филиали негизида Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти, Қарши филиали негизида Қарши ирригация ва агротехнологиялар институтини ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 83-сонли Қарори(5) билан тасдиқланган хужжат талабларидан келиб чиқиб, ушбу қаророрда мазкур таълим муасасалари зиммасига кейинги йилларда чекланган сув заҳираларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ерлари биофондини тиклаш, шўрланган ва эрозияга учраган майдонларни қайта фойдаланишга киритиш, экотизимлар биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, «яшил энергетика» ва агротехнологиялар каби муҳим йўналишларда таълим, илмий тадқиқот ва ишланмалар трансферини самарали йўлга қўйиш вазифалари юкланди.

Экологик таҳдидларни олдини олишда экологик таълимни қучайтириш муҳим аҳамиятга эга.(6) Хозирги замон экологик глобал муаммолар талабидан келиб чиқиб, республикамиз ҳудудларида мавжуд экологик муаммоларни ечиш учун хо-рижий ва миллий инвестицияларни жалб қилиш ва илмий тадқиқотларни кўлламини кенгайтириш, рақамли техноло-гияларни кенг жорий этиш орқали илмий салоҳиятни янги босқичга қўтариш ҳамда таълим ишланмаларни амалиётда қўллашга қодир бўлган муҳандисларни тайёрлаш масалала-рига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур қарорда Университетнинг асосий фаолият йўналишларини белгилашда «яшил иқтисодиёт», «яшил энергетика», экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тармоқлари учун олий маълумотли муҳандис кадрларни тайёрлаш долзарб вазифа сифатида белгилаб берилди. Айниқса, суғориш тизимлари самарадорлигини ошириш, тежамкор суғориш тизимларини жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашни йўлга қўйиш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишнинг такомиллашган усуулларини ишлаб чиқишига, замонавий ўқув ва илмий-лаборатория база-сини шакллантиришга, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда соҳани ривожлантиришга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни кенгайтириш, уларнинг трансфери бўйича самарали тизимни шакллантириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофaza қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар

натижадорлигини ошириш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдала- нишни рақамлаштириш борасида илмий ечимларни ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилди. Экологик таълимни асосий субъекти бўлган илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратишга, етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш, университет профессор- ўқитувчиларининг хорижий илғор таълим муассасаларида ма- лакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) магистра- турда ва докторантурда дастурлари бўйича таҳсил олишлари- ни ташкил этишга, ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимили таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан тадбиркорлик қўникмаларини шакллантиришга йўналтириш, ўқув жараёнига экологик таълим бўйича ҳам халқаро таълим стандартларини жорий этишга, таълим ва тадқиқотни уйғунлаштириш орқали иқтисодиёт тармоқлари учун энг илғор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш, тасарруфидаги ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кечикириб бўлмайдиган зарур масалалар сифатида қаралмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ТИҚҲММИ-Миллий тадқиқот универ- ситети нафақат гидроэнергетика, ирригация, мелиорация, қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологиялар, сув тежовчи суғориш технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбалари, геодезия ва геоинформатика соҳаларида эмас балки, шу билан бир қаторда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳаларида ҳам эколог-муҳандис кадрлар тай- ёрловчи таянч олий таълим муассасаларидан бирига ҳам айлантирилди. Бундай янги олий таълим ва миллий тадқиқот муассасаларида ўсимликлар ва уларнинг яшаш муҳитини, ўсимликлар таркибидаги озуқа моддаларининг оптимал даражасини, тупроқнинг макро- ва микроэлементларини физик-кимёвий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этиш, «яшил иқтисодиёт», қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда ресурс тежамкор технологиялар бўйича тадқиқотларни ри- вожлантириш ва ишланмаларни яратиш бўйича ҳам муҳим чора тадбирлар амалга ошириш бошланмоқда.

Университетимизда докторлик, магистрлик диссертацияла- ри тайёрланишида тегишли мутахассисликларга хос бўлган экология ва атроф муҳит муҳофазасига оид масалалар дис- сертация ишининг асосий мавзуу ва йўналишларига мантиқий жавоб берадиган тарзда ёритиб борилмоқда.

Олий таълим муассасалари экология ва атроф муҳит муҳитни муҳофaza қилиш бўйича бўлажак мутахассислари- га амалиёт дарслари бевосита йирик саноат корхоналари, илмий-тадқиқот муассасалари, сув хўжалиги

ташкилотлари, қўриқхоналар, экологик инқироз кузатилаётган ҳудудлар ва экология соҳасидаги бошқа корхоналар фаолияти би-лан бевосита танишириш асосида олиб борилиши йўлга қўйилмоқда.

Республикамизда Экология соҳасида кўплаб интернет каналлари ташкил этилди. Хусусан, "Ecolog.uz" телеграм канали ташкил этилди.(7) Унда экологик ижтимоий саҳифалар ташкил қилинди, экологик муаммолар борасида фикр алма-шишни йўлга қўйиш мақсадида интернет-платформалар ва мессенжерлик хизматлари жорий этилди. Олий таълим муассасалари сайatlарида ҳам ёшлар иштирокида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларга бағишлиланган, ёшларни қизиқтирувчи тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ахборотлар берib борилмоқда. Интернет веб-сайтларига талабаларни қизиқтирувчи материаллар киритиб борилмоқда. Шунингдек, «Энг қизиқарли мақола муаллифи»,

«Энг долзарб материал муаллифи» танловлари, "Сув қадри", "Экологик билимлар-оммага", "Кўкаламзорлаштириш ойли-ги", "Яшил макон", "Яшил манзил" каби оммавий тадбирлар ташкил этилмоқда.(8)

Эътиборли жиҳати шундаки, Олий таълим муассасалари ва республиканинг даврий нашрларида, шунинг-дек, газета ва илмий журналларда экология ва атроф муҳит муҳофазасига бағишлиланган рукнлар очилди. Унда профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва талабалар-нинг ушбу масалаларга бағишлиланган илмий, публисистик мақола ва экологик тадбирлар ҳақидаги хабарлари чоп этиб борилмоқда. Масалан, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат Кўмитасининг "Экология хабар-номаси", "Экологик блютенъ"ларида, "ТИҚҲММИ" Миллий тадқиқот университетининг "IRRIGATSIYA va MELIORATSIYA" журнали саҳифаларида охирги уч йилда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид мавзуларга, экологик таълим масалаларига оид кўплаб мақолалар эълон қилинганлиги фикримиз исботидир. Республикализ Олий таълим муассасалари ва талабалар турар жойларида охирги уч йил мобайнида 200 дан зиёд экологик тадбирлар ташкил этилди. «Эко-клублар», "Ёш эколог" тўгараклари ишлари янада жонлантирилди. Уларнинг йиллик режаларида белгиланган тадбирлар Олий таълим муассасалари, факультетлар, академик гурухлар ўртасида ташкил этилмоқда.

Университетимизнинг атоқли фан докторлари, профессорларидан А.Т.Салоҳиддинов, Б.Исмоилхўжаев, Н.Б.Эгамбердиев, Б.Каримов, Б.Абдуллаев, М.В.Радкевич, доцентлар А.Каримов,Х.Назаров, М.Абдуқодирова, фалсафа докторлари А.Хамидов, К.Б.Шипилова, Р.Роззоқовлар, катта ўқитувчи С.Маматов, ўқитувчи лар Б.Насибов, Ш.Шоэргашевалар экологик таълимнинг фидоийларидир. Улар университетимизнинг бакалавр ва магистрларига экологик таълим сирларини қунт билан ўргатмоқдалар. Экология соҳалари бўйича университетимиз профессор-ўқитувчилари, 10 дан ортиқ доктарантлар ва 20

дан ортиқ магистрлар бугунги кунда экология ва атроф мұхит мұхофазаси, табиий бойлик сифатида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, оқава сувларни тозалаш, чиқындилаарни бошқариш соҳаларидағи долзарб масалаларни илмий тадқиқ этиш билан экологик таълимни илмий асосларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Концепцияни амалга оширишда Ўзбекистон олимларининг салоҳияти, илм-фан равнақига қўшаётган ҳиссалари кундан кунга юксалиб бормоқда. Университетимиз профессори, техника фанлари доктори А.Т.Салоҳиддиновнинг атроф мұхитни экологик мұхофазаси, атроф мұхитга бўлаётган таъсирларни баҳолаш, айниқса сув ресурсларидан мукам- мал фойдаланиш, сув хўжаликларида экологик хавфсизли-гини таъминлаш соҳаларига тегишли илмий тадқиқотлари, яратган дарслик, ўқув қўлланмалари, таълим масалаларига бағищланган мақолалари, таълим соҳасида ҳорижий мамлакатлар билан олиб борилаётган ҳамкорлик ишлари мұхим аҳамият касб этмоқда.

Университетимизнинг яна бир атоқли профессори, био-логия фанлар доктори Б.Каримов БМТ қошидаги “Жамият учун маълумотлар Департаменти” билан ассоциациялашган “Ҳалқаро экология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги Академияси” академигининг бўлажак талабаларга ўқиётган маъ-рузалари, “Орол Денгизи ҳавзасидаги сув экосистемалари экологик ҳолати ва биологик ресурсларни мұхофаза қилиш ҳамда улардан экологик барқарор фойдаланиш муаммолари- ни ечиш масалалари” асосий тадқиқот ишлари, соҳа буйича бўлажак фан докторларига бераётган илмий маслаҳатлари, яратадиган дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам экологик таъ- лимни равнақига қўшилган мұхим ҳисса бўлмоқда.

Университетимизнинг атоқли профессорларидан биология фанлари доктори Б.Исмоилхўжаев, Ҳалқаро Мухандислар Академиясини академиги химия ва биология фанлари доктори Н.Эгамбердиев, техника фанлари доктори, профессор М.Радкиевичларнинг илмий тадқиқотлари, яратадиган дарслик ва ўқув-методик қўлланмалари, ўқиётган маърузалари ҳам Республикаизда экологик таълимни ҳозирги босқичида салмоқли омиллардан ҳисобланишга арзигулиқдир.(9)

Экологик таълимни янада яхшилаш ва такомилаштириш борасида ҳорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ҳам ғоят мұхим. Масалан, Америка Қўшма штатларининг таж-рибаларига эътибор берайлик: Бу давлатда экологик таълим хилма хил шакллар, йўналишлар, методолигик ёндашувлар асосида амалга оширилиши кўзга ташланади. Мұхими шун-даки, экологик одоб-аҳлоқ ғоялари, мұхим аҳлоқий қадриятлар сифатида барча табиий ва ижтимоий фанлар мазмунига сингдирилган, жамоатчиликни табиатни мұхофаза қилишга жалб қилиш энг олий даражада ташкил этилганлиги билан фавқулотда ажралиб туради. Айниқса, нодавлат, нотижорат ташкилотлар ёшларда атроф табиий

мухитга эҳтиёткорона, масъулят билан муносабатда бўлиш, табиий бойликларни авайлаб асраш, хуқуқий нормаларга онгли муносабат ва экологик маданиятни шакллантириш жараёнидаги фаол- лиги алоҳида диққатга сазавор. АҚШда ўрта умум таълим мактабиданоқ ҳар бир шахс агар “атроф муҳит” тушунча- сига онгли муносабатда бўлмаса, ўзини ўраб турган табиий муҳитга шахсий масъулятли бўлишини тушунмаса, саводсиз деб тан олиниши қоидаси умумтан олинган. Шундай қилиб, АҚШда экологик таълимни бош вазифаси ёшларда экологик саводхонликни тарбиялаш ҳисобланади.(10)

Америка Қўшма штатларида экологик таълим тизими:

- 1) болаларни атроф табиий муҳит билан доимий боғлиқлиги таъминлаш;
- 2) уларга табиий муҳит шароитида тирик организимларни яшашини тадқиқ қилиш учун имконият бериш;
- 3) табиатга муносабатда ижобий ҳулқ-атвор ва фаолият қоидаларини шакллантиришга ёрдам бериш;
- 4) инсон, жамият ва табиатни ўзоро яхлитлиги, алоҳида, минтақавий ва глобал экологик муаммоларни бир бирига боғлиқлиги, атроф муҳит табиий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар тизимидан иборат эканлиги тўғрисидаги билимлар мажмуасини шакллантириш;
- 5) мактаб ёшиданоқ ҳар бир болани маҳаллий экологик муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш ва ўргатишdir.

АҚШда экологик таълим соҳасида ягона умумдавлат сиёсати йўқ, экологик таълим масалалари буйича кўпчиллик қарорлар алоҳида штатлар ёки алоҳида таълим муассасала- ри миқёсида қабул қилинади. АҚШ федерал ҳукуматининг асо- сий вазифаси аввалам бор жамоат ташкилотлари ёки педагог экологларни ташаббуслари буйича амалга ошириладиган турли ҳил экологик таълим дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштиришдан иборатdir. АҚШда «Project WILD» ва Learning Tree» энг машҳур умуммиллий экологик таълим лойиҳалари муҳим аҳамиятга эга.(11)

Россия Федрациясида ҳам экологик таълим соҳасида ажойиб тажрибалар ўрганишга, ибрат олишга арзиди. Маса- лан, бу давлатда ҳар бир Федрация субекти ўз ҳудудида эко- логик таълимни ўз ҳудудининг "Экологик таълим тўғрисида" ги қонунига мувофиқ амалга оширади.

Германияда экологик таълим, парламентда тасдиқланган ўқув режа асосида амалга оширилади, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш фанлари барча мутахассисликлар- да умум мажбурий фан сифатида ўқитилади. Муҳим шундаки, экологик таълим назарияси, методикаси ва амалиёти турли мамлакатларда, ҳатто бир мамлакатни турли воҳаларида ҳам бир биридан фарқ қиласи. Асосий вазифа, экологик таълим буйича бой тажрибаларни хилма хиллигини унитмаган ҳолда, бу қимматли тажрибаларни бутун жаҳон мамлакатлари жамоатчилиги, айниқса, бизнинг мамлакатимизда

Кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Аниқса, педого- глар ва бутун жамоатчилик эътиборини, уларнинг илмий ва амалий салоҳиятини бутун дунёдаги ҳар бир мамлакатнинг ўз уникал экологик таълим моделини яратишга даъват қилиш, чорлаш фавқулотда зарур ва муҳимдир. Шуҳбасизки, бир мамлакатнинг тажрибалари ҳамма вақт ва ҳамма жойда қўлланилиши мумкин эмас, бироқ турли экологик таълим тизимининг самаралилигини қиёслаш учун ғоят муҳим.(12)

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, Ўзбекистоннинг 2019 йил 27 майда қабул қилган "Экологик таълимни ривожланти- риш концепцияси" республикамиз ва халқимиз учун бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлди ва экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг энг долзарб устивор йўналишларидан бирига айланди; иккинчидан, экологик таълимни ривожла- нишига давлат томонидан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий жиҳатдан устивор йўналишлардан бири сифатида эътибор қаратилди; учунчидан, экологик таъ- лим соҳасида хорижий мамлакатларнинг бой тажрибаларини ўрганиш ва уни Ўзбекистоннинг турли худудларида қўллаш учун имкониятлар яратилди; тўртинчидан, Ўзбекистон олим- ларининг салоҳияти, экологик муаммоларни тадқиқ этиш ва амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди; бешин- чидан, экологик талабларни бажариш учун зарур бўлган тех- ник регламентлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий қилинди; олтинчидан, республикамизда экологик таълимни ривожлан- тириш учун маҳсус дастурлар, лойҳалар яратилди, давлат то- монидан молиялаштирилмоқда; еттинчидан, атроф муҳитни муҳофаза қилишга илмий, концептуал ёндашув шаклланди. Юқорида келтирилган ижобий ҳолатлар республикамиз- да экологик таълимни ривожлантириш концепциясининг самараси эканлиги шуҳбасиздир ва бу концепция асосида экологик таълимни янада юқори босқичларга кўтариш, табиий ресурсларимиз бойликларини оқилона фойдаланиш, сақлаш, муҳофаза қилиш ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш ҳар бир давлат идоралари, жамоат ташкилотларининг, ҳар битта фуқаронинг шарафли бурчи эканлигини ҳеч қачон унимас- лигимиз керак. Биз "одам - табиатнинг хўжайини" қабилида фикрлашдан бутунлай воз кечишимиз ва "табиат ва инсоннинг бирлиги, уйғун ривожланиши - энг олий қадрият", "одам – та- биатнинг эгаси эмас, балки унинг таркибий қисми" қабилида янгича экологик фикрлашга ўтишимиз, ўзимиз яшаётган

атроф-муҳитни чуқур билишимиз зарур.(13)

Аҳоли ва ёшларда ҳақиқий экологик онг ва маданиятни шакллантирумасдан, ҳар қанча пул-молиявий маблағлар билан табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф- муҳит муҳофазаси, экологик ҳавфсизликни таъминлаш ва барқарор тараққиёт соҳасидаги тўсиқ бўлаётган муаммо- ларни бартараф

этиш, балки бу борада эришилган ижобий натижаларни барқарор сақлаб қолиш мүмкін эмаслигини унимаслигимиз зарур.

АДАБИЁТЛАР:

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 27 майдаги 434-сон қарори

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни,

3. Ўзбекистон Республикасининг “Табиат муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни//1992 йил 9-декбрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари учун муҳандис кадрлар- ни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 42-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил, 21 февралдаги 83-сонли Қарори.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт харакат- лари. Тошкент, «Ўзбекистон» 1997. 328 б.

7. Ekolog.uz <https://www.instagram.com/ekologuz/>

8. Ўзбекистон Республикаси атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза. Тошкент. 2008. 298 б.

9. Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун.- Т.: «Адолат», 2000.

10. Гильмиярова С. Экологическое образование в американских университетах, журнал Высшее образование в России, №12, 2000г.

11. Гильмиярова С. Подготовка студентов педвузов к непрерывному экологическому образованию, Монография, -М, 2001й.

12. Экологик таълимдан барқарор ривожланиш таълими сари (А.Нигматовнинг умумий таҳрири остида) Қўлланма-Т.: Tolgin. 2007.-144 б.

13. Nasibov, B. R., Polevshikova, Y. A., Xomidov, A. O., & Nasibova, M. R. (2023, March). Monitoring of land cover using satellite images on the example of the Fergana Valley of Uzbekistan. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2612, No. 1, p. 020028). AIP Publishing LLC.

14. Ismailhodjaev, B., Kuatbekova, K., Kholmirzaeva, B., Boburbek, N., Mirzaqubulov, J., Eskaraev, N., & Abduraimova, N. (2022). Activity, patterns, and

**JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME6 ISSUE-5 (30-May)**

localization of carbonic acid enzymes in algae used in wastewater treatment. Texas Journal of Engineering and Technology, 14, 11-17.

15. Nasibov, B. R., Boliyeva, I. A., & Abduqodirova, K. B. (2022). MONITORING THE DECLINE OF PLANTS AND TREES IN ANDIJAN AND VALLEY REGIONS THROUGH ARTIFICIAL ROAD IMAGES, DETERMINING THE CHANGES IN GROUNDWATER CONDITIONS WITH THE HELP OF GIS TECHNOLOGIES. *Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali*, 3(4), 202-213.

16. Sh, I. B., & Nasibov, B. R. (2022). Influence of algae on fur growth, development, physiological condition and fur quality. Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences, 5, 67-70.

17. Muzafarov, S. M., Tursunov, O., Kodirov, D., Togaev, B. K., Balitskiy, V. E., Babayev, A. G., ... & Allenova, I. V. (2020, December). Features of streamer form of corona discharge in respect to electric gas purification. In IOP Conference Series: Earth and Environmental Science (Vol. 614, No. 1, p. 012050). IOP Publishing.

18. Shoturaev, B. S., & Nasibov, B. R. (2022). Study Of Efficiency Of Water And Energy Resources In Growing Agricultural Crops Through Drop Irrigation. In The Example Of Amarant Crop. Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences, 5, 54-58.

19. Egamberdiev, N. B., Sharipjonova, Z., Nasibov, B., Khomidov, A. O., Alimova, M. I., & Abdumalikov, A. A. (2021). Biological treatment of industrial and domestic wastewater of a brewery in Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 264, p. 01055). EDP Sciences.